

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 10 май. Жума №41 (902) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

**Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида
кенг нишонланмоқда**

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусофоллиги, юртимиз равақли йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони урушда ҳалок бўлган юрдошларимиз хотирасига, оловли жангхоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан ентган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совгалари тантанали равишда топширилади.

Бугун орамизда бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш — жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида.

Илгари, совет тузуми даврида 9 май асосан Галаба байрами сифатида бутун СССР ҳудудини катта дабдаба билан нишонланарди. Қизил майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарда эса шўро дохиллари турар эди. Афсуски, бундай манзарани бугун ҳам совиқ совет ҳудудидagi айрим мамлакатларда кўриш, кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан 15 йил олдин мамлакатимизда бу санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмунини тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввали «Номгўлум соддат» деб ном олган, қандайдир маъму рояни йўқ этадиган ёдгорлик ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Бу биринчи навбатда мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қўрбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдига бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим тузини олади.

Уттанларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охириги оёбод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намоен бўлмоқда. Чексиз қайтуга чўман Опанозор тилмолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдирини, уларнинг соғинч ва изтироб туйғуларини акс этган.

Хотира майдонини миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша муҳим урушда ҳалок бўлган барча юрдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига тан бериш, уруш фожиаларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас,

унинг қадр-қиммати азиз ва муътабар эканини ифода этади.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гажум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буртди.

Майдон узра маҳзун мусиқа тараалади. Соат 09:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 68 йиллигини, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда, — деди Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Айни шу кунларда барча-барча юрдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусофоллиги ва қадрлаш куни муносабати билан кексаларга кўрсатилаётган гам-хўрликларда янада яққол намоен бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бундай эзгу анъаналар ҳаётимизда тобора мустақим ҳолда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан мазкур фармон ижросини изчил таъминлаш ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини юқори сатҳда нишонлаш мақсадида ишчи тузиллиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — деди Фонднинг республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Унга кўра, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда Ватанимиз озодлиги ва шайни-шавкати ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий кечалар уюштирилмоқда. Байрам муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари зиёрат қилиниб, уларга совгалар улашилди.

ХОТИРА — АЗИЗ, ҚАДР — МУҚАДДАС НУРОНИЙЛАР ВА ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Инсон тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Ватан озодлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб, миллати ва халқининг дорилонмон кунлари учун жон фидо этган улуг аждодларимиз хотирасини ёд этиш, нуроний отахону мунис оналаримизни эъзозлашдек олижаноб қадриятларимиз истиқлол туғайли қайта тикланди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бундай эзгу анъаналар ҳаётимизда тобора мустақим ҳолда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан мазкур фармон ижросини изчил таъминлаш ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини юқори са-

уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан мазкур фармон ижросини изчил таъминлаш ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини юқори са-

вида нишонлаш мақсадида ишчи тузиллиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — деди Фонднинг республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Унга кўра, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда Ватанимиз озодлиги ва шайни-шавкати ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий кечалар уюштирилмоқда. Байрам муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари зиёрат қилиниб, уларга совгалар улашилди.

> [2]

КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тошкентда «Парламент ва жамоатчилик назорати институтларини янада ривожлантириш масалалари: миллий ва Европа тажрибаси» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини ва Давлат бошқаруви академияси томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР) билан ҳамкорликда Франция элчихонаси кўмағида ташкил этилди.

Давра суҳбатида Германия, АҚШ, Франция, Венгрия парламентлари аъзолари ва экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ижро ҳамда суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари, тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрталари, оммавий ах-

борот воситалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Қонун устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши ва уларнинг ваколатларини чеклаш, давлат бошқарувида ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва

зиғфаларини амалга оширишда фуқаролик институтларининг иштирокини кенгайтириш Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим принциплари ҳисобланганини таъкидлади.

«Юксак савияда ташкил этилган ушбу давра суҳбатининг мавзуси ниҳоятда долзарбдир, — деди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. — Негаки, айни пайтда Ўзбекистонда жамиятнинг янада демократлаштирилиши, фуқаролик институтларини роилини оширишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ЮРТИНГ ОБОД —
ДИЛИНГ ОБОД
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган азалдан гуллар шаҳри, дея ном қозонган. Бугун ана шу таърифни бугун вилоятга нисбатан қўлласа арзийди. Чунки кейинги уч-тўрт йил ичида Наманган шаҳридан тортиб, энг чекка туманларгача асосий йўлнинг икки чети замонавий архитектура талаблари асосида янгидан барпо этилмоқда. Бунда йўл ва йўлқачларини йилнинг уч фаслида барқ уриб турадиган анвойи гулларга бурқаш, ландшафт дизайнига эътибор қаратиш билан бирга, янгидан-янгидан маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш, аҳоли турар-жойлари ва объектларнинг ташкил қилинишига кўрамаштираш доимий эътиборимизда.

Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш бош мақсадимизга айланган. Ўтган йили вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада аҳолига маънавий хизмат кўрсатувчи 10 тадан шохобча барпо этиш ҳаракати бошланган эди. Шу йўналишда Обод турмуш йилининг ўтган даврида 781 та маҳалла фуқаролар йиғинида 5300 та шохобчани қуриш бўйича туман дастурларини ишлаб чиқилди.

Ҳозирга қадар вилоятдаги 272 та маҳалла фуқаролар йиғинида 808 та аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиб, шундан 667 таси фойдаланишга топширилди. Натижада икки мингта ақин янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Чуст туманида 13 та хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди ва 20 та янги иш ўрни яратилди. Қосонсой туманида ҳам 278 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиб, 834 та янги иш ўрни яратилди. Тумандаги хусусий тадбиркор Фароҳдхон Нишонов томонидан «Боннамол-1» маҳалласида 15 та иш ўрнига эга диагностика маркази, хусусий тадбиркор Мухаммадали Камолов томонидан «Хуррият-1» маҳалласида 4 та иш ўрнига эга спорт майдончаси ишга туширилди. Бундан ташқари, 16 та қуриб битказилган шохобчада ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ҳамда 71 та шохобчани қуриш ишлари олиб боришмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан вилоятдаги бошқа манфаотдор ташкилотлар, хусусан, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда 2013 йилнинг 3 ойи давомида шаҳар ва туманларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 60 дан зиёд учрашув ва тадбирлар ўтказилди. Уларга 1500 нафардан ортиқ фуқаролар йиғини раиси ва масъул котиби жалб этилиб, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш каби долзарб масалалар муҳофиза этилди. Зеро, аҳоли бандлиги халқимиз турмуш фаровонлигининг янада ортишида муҳим аҳамиятга эга.

Насриддин САДРИДДИНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИДА

«Малакали шифокорлар хизматидан мамнунмиз»

— Туман марказидан унча олисда бўлмасак ҳам, кўпчилик ўзимизнинг ҚВПга боришни афзал кўради, — дейди Бахмал туманидаги Барлос қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳмонкул Бобомуродов. — Боиси, худуддаги «Турон» қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шифокорларимиз малакали.

Қишлоқ врачлик пунктининг уч нафар шифокори ва ўн нафар ҳамшираси худуддаги Барлос, Музбел, Соилқ қишлоқларида яшовчи 5 минг 600 нафардан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётди. Муассасанинг рўйхатта олиш дафтарида қайд этилишича, бу ерда кунига 45-50 киши қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, шифокорлар белгиланган режа-жадвал асосида хонадонларга боришади.

— Хонадонларга ташриф буюриб, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратянимиз, — дейди врачлик пункти мудир Эргаш Қиржигитов. — Олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари самараси ўлароқ, одамлар эндиликда муайян касаллик белгилари бошлангани билан бизга мурожаат этишмоқда. Уз саломатлигини назорат қилиш мақсадида тиббий кўрикка келатганлар сони ортиб бораётгани бизни қувонтиради. Негаки, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул.

> [4]

ЭЪТИРОФ ТАБИАТ ҲАМ, ҚАДРИЯТ ҲАМ ҲАЙРАТЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН

Жорий йилнинг 4-5 май кунлари Фонд Форум ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида навқирон Навоий вилоятининг кўҳна Сармишсой дарасида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.



Ям-яшил майсалару авлонранг долақизгалдоқларга бурканган адиралар бағрига кириб келган меҳмонлар табиат тароватидан бир ҳайратлансалар, асрлар силсиласида яшаб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъана-удумларимизга минг ҳайрат билан боқдилар.

Анна ДЕВЕВЕЙ,
(Франция):
— Ўзбекистонга келганимга тўрт кун бўляпти. Бухоро ва Хивани томоша қилдик. Ўзбеклар дунё тумадунига тамал тошини қўйган халқ. Юртингизга келиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ КОНЦЕПЦИЯ ТАРҒИБОТИ ДАҲЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРАДИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ҳаётини кечаётган жараёнлар атрофида таҳлил қилиниб, мустақиллик йилларида босиб ўтилган машаққатли йўл, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ҳамда иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар чуқур таҳлил этилган.

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни кенг оммага тарғиб этишда маҳалла мутаассадиларининг ўрни алоҳида. Чунки бу тизимда ишлаётган кишилар аҳолининг кайфиятидан хабардор, уларнинг талаб ва истакларини бошқаруви нисбатан яхши биладилар.

Шу боис Ўзбекистон «Маҳалла»

> [3]

(Давоми 2-бетда.)

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИДА

«МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИЗ»



Қишлоқ врачлик пункти 2008 йилда 50 қатновга мўжалланган янги бинода иш бошлаган эди. Тиббий меъёлар асосида қурилган мусасса сув таъминоти, иситиш тизимига эга. Автоклав, центрифуга, биноккуляр микроскоп, ЭКГ, кичик хирургик жамлама каби замонавий аппарат ва жиҳозлар аҳолига ўз вақтида турри ташхис қўйиш ва даволашда асқотмоқда.

Шу йилнинг ўтган даврида ҳудуддаги 1 минг 600 нафарга яқин туғиш ёшидаги аёлнинг 450 нафари, 100 нафардан зиёд бир ёшчага булган болалар туғди, 1 минг 750 нафарга яқин 14 ёшчага булган боланинг 700 нафардан зиёди тиббий куриқдан ўтказилди. Куриқ давомида бирор касалликка мойиллиги аниқланган 25 нафар аёл, 6 нафар бир ёшчага булган бола тиббий назоратта олинди. Шу жумладан, беш нафар аёл ва бир нафар болага шифохонада ётиб даволашни учун йўланма берилди. Барча зарур профилактик тадбирлар, даволаш иш-

тилган шароит шаҳар шифохоналарида қилинмади.

Шифокорлар аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйишда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан яқин ҳамкорлик урнатилган. Аҳоли ўртасида тиббий-профилактик ишларни кучайтириш билан бирга, оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш буйича маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Шифокорлар бундай мулоқотлар чоғида эрта турмушнинг салбий оқибати, соғлом оилани шакллантириш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдани олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Саломатликни мустаҳкамлаш ҳар бир оиланинг турмуш маданиятини яхшилашдан бошланиши барчага маълум, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси Саодат Қурбонова. — Бунда фуқаролар йиғини фаоллари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда.

Тумандаги ҚВП биноларининг аксарияти мустақиллик йилларида янгиланди. Биргина утган йили 4 та қишлоқ врачлик пункти биноси жорий, биттаси мукамал таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда туманда битта ҚВП биносини қайта қуриш, учтасини таъмирлаш ишлари амалга оширилмаётир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, қишлоқда тиббий-санитария хизматини замон талаблари даражасига етказиш буйича қабул қилинган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш ҚВПлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу вазифалар «Турон» қишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилаётган билимли ва малакали мутахассислар томонидан тула-туқис удаланимоқда.

Бек НАЗАР.

< [1]

ТАШАББУС

Посбонга беминнат кўмакчи

Маҳаллада тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда посбонларнинг муносиб хизматлари бор.

Айниқса, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, нотинч-ноқо-би оилалар, ёшлар билан ишлаш, ҳудуднинг доимий назорат қилиш улардан тежорлик ҳамда ташкилотчиликни талаб этади. Ана шуларни эътиборга олган Наманган тумани ҳокимлиги туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда янги ташаббус билан чиқди. Посбонлар фаолиятини янада кучайтириш, иш даврида қулайлик яратиш мақсадида уларга хизмат велосипедлари ажратилди.

Яқинда туман ҳокимлигининг мажлислари залида бўлиб ўтган тадбирда 61 та маҳалла фуқаролар йиғини посбонларига ана шундай беминнат улов таънанали равишда тарқатилди.

— Вилоятимизнинг Норин туманида янги турдаги велосипедлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳақида эшитиб, қувонгандик, — дейди «1-Ғалча» маҳалласи посбонлар сардори Камолддин Жураев. — Ишда фойдаланиш учун ана шу велосипедлардан бирини харид қиламан, деган ниятда эдим. Буни қарангки, кўнглимиздагини билгандек, туманимиз раҳбарлари велосипед билан таъминлашди. Бу восита ихчам, фойдаланиш учун қулай, сифатлиги билан бирга, замонавий дизайнга ҳам эга. Муҳими, ундан беминнат фойдаланиш мумкин.

Обод турмуш йилмида Наманган туманида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада фаолият курсатаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш кузда тутилган. Бунда фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлаш, мебель жиҳозлари билан таъминлаш, тизим ходимларини ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамшид БЕК «Mahalla»

СЕМИНАР

Юрт тинчлиги — буюк неъмат

Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини узлуксиз ошириб бориш давр тақозосига айланган.

Бунинг учун, аввало, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги учун масъулларнинг бу борадаги билим ва малакаларини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасида барча шаҳар ва туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилари, турли вазирлик ва идоралар, ташкилот, муассасаларнинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўлими масъул ходимлари учун Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан «Мафкуравий ҳаётнинг долзарб масалалари» мав-

зусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда «Ўзбекистон эркин ва фаровон жамияти қуриш йўлида», «Обод турмуш йили» мазмун-моҳияти ва долзарб вазифаларимиз», «Юрт тинчлиги — буюк неъмат», «Олмалик маданиятдан огоҳ бўлайлик» каби мавзуларда маърузалар тингланиб, фикр алмашилди.

Семинар сўнгида тингловчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва дунё миқёсида юз бераётган сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлдилар ҳамда олган билимларини тарғиб қилиш малакасини эгалладилар.

П.АЛЛАМБЕРГЕНОВА «Mahalla»

ХУШХАБАР

Маҳаллада хусусий шифохона

Китоб туманидаги «Гулiston» маҳалла фуқаролар йиғинида умртқа ва бугин касалликларини даволашга мўжалланган хусусий шифохона ишга тушди.

Шифохона замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Беморларнинг даволашлари учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Маҳаллада истиқомат қилувчи турт нафар ҳамшира шифохонага ишга жойлашди.


— Мени кўндан бери остеохондроз касаллиги безовта қиларди, — дейди маҳалла фаолларидан бири Собир Қаландаров. — Янги шифохонада муолажа олдим. Ҳозир анча

яхшиман. Шифо масканининг маҳалламизда қурилгани, айниқса, қариялар учун қулай бўлди.

Албатта, бундай хусусий шифохоналарнинг ишга тушиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, кишиларни ўз соғлиғига эътиборли бўлишга ундаяпти.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ



БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ, ТУРМУШИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ФАРОВОН, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛАВЕРСИН! ДИЛЛАРИМИЗНИ ЭЗГУ ОРЗУ-УМИД, ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТУЙҒУЛАРИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А2, 4 босма табоқ.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси 32-уй Индекс: 100083

Саҳифаловчи: А.Мейликов Мусаҳҳиж: Н.Азимова Навбатчи: Т.Низомов Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси 30.

Нашр кўрсаткичи: 148

23565 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7107

Тошириш вақти — 20.30 Тоширилади — 21.30